

Туркистонда мустабид совет ҳокимиятининг ўрнатилиши ва унга қарши қуролли ҳаракат.

Режа:

- 1. Россияда 1917 йил февраль буржуа-демократик инқилоби, подшо ҳокимиятининг ағдарилиши, унинг ўлканизга тъсири.**
- 2. Туркистон Мухторияти ҳукумати ва унинг фаолияти**
- 3. Туркистонда совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракат**
- 4. Хива хонлигининг тугатилиши. ХХСРнинг тузилиши ва ундаги ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар.**
- 5. Бухоро амирлигининг ағдарилиши. БХСРнинг ташкил топиши ва ундаги сиёсий ўзгаришлар**

1. Россияда 1917 йил февраль буржуа-демократик инқилоби, подшоҳокимииятининг ағдарилиши, унинг ўлканизга таъсири.

1917-йилнинг март-апрел ойларида Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар Қори, Убайдулла Хўжаев, Фитрат, Файзулла Хўжаев, Садриддин Айний, Мустафо Чўқай, Муҳаммаджон Тинишбоев, Шерали Лапин (1868-1919), Аҳмад Закий Валидий (1890-1970), Обиджон Маҳмудов (1858-1936) ўлкада янги ташкил қилинган "Шўрои Исломия" (1917 йил март), "Шўрои Уламо" (1917 йил июн), "Турон" жамиятлари ва "Турк адами Марказият (федералистлар) фирмаси" (1917 йил июл), "иттифоқи муслимин" (1917 йил сентябр) сиёсий партияларининг тузилишида муҳим рол ўйнадилар.

1917-йилнинг ўзида тўрт марта Бутунтуркистон мусулмонлари қурултойи ўtkазилди. Тошкентда бўлган I-қурултойда демократик Россия таркибида Туркистон Мухториятини ташкил этиш ғояси олға сурилди.

**Мустафо Чўқай раислигида Туркистон мусулмонлари
Маркази Кенгаши тузилди. Унга Валидий, Мунаввар
Қори, Беҳбудий, У.Хўжаев, О.Махмудов, Тошпўлатбек
Норбўтабеков, Ислом Шоаҳмедов ва бошқалар аъзо
қилиб сайланди. Мунаввар Қори ва Садриддинхон
Шарифхўжа бошчилигида Тошкент қўмитаси,
Беҳбудий раҳбарлигида Самарқанд ва Носирхон тўра
етакчилигида Фарғона бўлими ҳам ташкил топди.
Марказий шўронинг органи сифатида "Нажот"
(муҳаррири-Мунаввар Қори), кейинчалик "Кенгаш"
(муҳаррири-Валидий) газеталари чиқа бошлиди.**

1917-йил 20-сентабрда Тошкентда бўлиб ўтган Туркистон ва Қозоғистон мусулмонларининг қурултойи "уламочилар" билан "шўрои исломчилар" ўртасидаги бахсларга қарамай, ниҳоят, келишиш ва муроса йўлини топди. Қурултойда "Шўрои Исломия", "Шўрои Уламо", "Турон" ва бошқа сиёсий ташкилотларни бирлаштириш йўли билан бутун Туркистон минтақаси учун умумий бўлган "Иттифоқи муслимин" деган сиёсий партия тузишга қарор қилинди ва Туркистоннинг бўлажак сиёсий тузуми сифатида "Туркистон Федератив Республикаси" ни тузиш белгиланди.

1917.25.10да (7 ноябр) В.И.Ленин бошлигидаги
болжевиклар Петроградда Мувакқат ҳукуматни
ағдариб ҳокимиятни эгалладилар. 28-октябрда
Тошкентнинг янги шаҳарида рус ишчилари ва
солдатлари ва генерал Коровиченко ўртасидаги
тўқнашувдан сўнг болжевиклар ғалаба қозониб, 1
ноябрда Коровиченко ва Мувакқат ҳукуматнинг
Туркистон Кўмитаси қамоққа олинди. Тошкентда
зўравонлик йўли билан совет ҳокимияти
ўрнатилди.

1917-йил 15-22 ноябрда Тошкентда бўлган Ўлка рус ишли, солдат ва дехқон депутатлари Советларининг XII сездида 15 кишидан иборат ҳукумат-Туркистон ўлкаси Халқ Комиссарлари Совети тузилди. Унда 8 ўрин сўл эсерларга, 7 ўрин большевиклар билан максималистларга берилди(факат русийзабон европаликлар). Муваққат ҳукуматнинг барча бўғинлари тугатилиб, ўрнига жазо органлари ва совет бошқарув тизими ўрнатилди. Инқилобий трибуналлар ташкил этилди. Туркистон ХКС 1917-йил охирларида "Шўрои Исломия" ва бошқа маҳаллий демократик ташкилотларни тарқатиб юборди

2. Туркистон Мухторияти ҳукумати ва унинг фаолияти

1917й. (9.12) Қўқон шаҳрида Туркистон мусулмонларининг фавқулодда IV қурултойида Мухторият ва мустақиллик эълон қилиш фикри қўллаб-куватланди. Мазкур давлатнинг номи **ТУРКИСТОН МУХТОРИЯТИ** деб аталадиган бўлди. Қурултойда Туркистон Муваққат Кенгаши аъзоларидан 8 кишидан иборат таркибида Туркистон Мухторияти ҳукумати тузилди. Ҳукуматнинг Бош вазири ҳамда ички ишлар вазири этиб М. Тинишбоев сайланди.

Ҳукумат таркибида кейинчалик айrim ўзгаришлар юз берди. Муҳаммаджон Тинишбоев истеъфога чиққач, Мустафо Чўқай Бош вазир лавозимини бажаришга киришади.

Курултойда Туркистон Миллат Мажлиси очилиши тўғрисидаги қарор ҳам тасдиқланди. Миллат Мажлиси 54 нафар аъзодан иборат (36 нафар мусулмон ва 18 нафар ғайри мусулмонлардан).

36 мусулмон вакиллари Туркистоннинг 5 вилоятидан бўлиб: Фарғона-10 нафар, Самарқанд-5 нафар, Сирдарё-9 нафар, Еттисув-6 нафар, Закаспий-2 нафар; 4 нафар эса бутун Туркистон шаҳардан".

Мухтор ҳукуматнинг халқ ўртасидаги обрӯ-
эътибори большевикларни ташвишга солди. 1918-
йил 1-8 февралда Тошкентда бўлган Туркистон
ўлкаси ишли, солдат ва дехқон депутатлари
Советларининг IV-сеззидида мухторият масаласи
кўйилди. Съезд Туркистон Мухторияти ҳукумати
ва унинг аъзоларини қонундан ташқари ҳолатда
деб, ҳукумат аъзоларини қамоққа олиш тўғрисида
карор чиқарди.

12 февралда Туркистан ХҚС мухторият ҳукуматини тугатиш учун ҳарбий ҳаракатларни бошлади. Бунинг учун қизил аскарлардан ташқари арманларнинг "Дашноктсутюн" қуролли тўдалардан ҳам фойдаланди. Уларга қарши дастлабки жангда мухториятнинг миллий қўшинидан ташқари қўқонлик тинч аҳоли вакиллари ҳам катнашди.. Куролсиз бу кишилар қизил аскарларнинг Қўқон шаҳрига ҳужумини уч кун давомида мардонавор қайтардилар. Мухторият қўшинининг тирик қолган қисми қўрбоши Кичик Эргаш қўрбоши бошчилигида шаҳардан чиқиб кетди.

1918 (апрел-май) Туркистон советларининг сеъздида Россия Совет Социалистик Федератсияси таркибида Туркистон республикаси т.ди ва унинг Марказий Ижроия Комитети (МИК) ва ХКС сайланди. Туркистон республикаси ХКС ва МИК ичидаги хокимият учун ўзаро курашлар, можаролар ва жанжаллар авжига чиқди. (Туркистон ХКС раиси Ф.Колесов ва бошқа айрим амалдорлар лавозимидан бўшатилди). **1919-йил 19 январда К.Осипов бошчилигига Тошкентда исён кўтарилиди ва 14 комиссар отиб ташланди. Совет ҳокимияти ағдарилиди.** Бироқ исён Тошкент лемир йўл устахоналари ишчилари ва бошқа ҳарбий қисмлар томонидан тезда бостирилди. Бу исён баҳонасида **большевиклар (1919 03) сўл эсерларни ҳукуматдан сиқиб чиқариб, якка ўзлари ҳукмрон бўлиб олдилар.**

“Харбий коммунизм” сиёсати ва озиқ-овқат развёрсткаси (таксимоти)нинг оқибатлари:

**дехқондан у
етиштирган
маҳсулотнинг
деярли ҳаммаси
тортиб олинди**

**Бозорлар ёпилди,
савдо-сотик
таъкиқланди**

**16 ёшдан 55 ёшгача
бўлган барча эркак ва
аёллар учун мажбурий
мехнат мажбурияти
жорий қилинди**

**Совет тузумининг бундай мустамлакачилик сиёсати оқибатида
миллий-озодлик ҳаракати мінтақада кучайиб, авж олиб кетди.**

3. Туркистон минтақасида совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракат ва унинг тарихий аҳамияти.

Сабаблар:

1917 йилда содир бўлган октябр тўнтариши ва большевиклар томонидан илгари сурилган коммунистик мафкура Туркистон халклари учун мутлақо ёт тушунча эди

совет ҳукумати ҳокимиятни бошқаришга маҳаллий халқ вакиллари жалб қилинмади, уларнинг миллий ғурури, ҳақ-хуқуқи инкор қилинди.

янги тузум ўрнатилган илк кунларданоқ маҳаллий халқнинг урф-одатлари, миллий Қадриятлари топталди. Шариат асослари ва Қозиҳоналар бекор қилинди, вақф ерлари тортиб олинди, мулкчиликнинг барча шаклига чек Қўйилди.

Туркистонда совет ҳокимиюти ва большевикча тузумга қарши истиқлолчилик ҳаракати 1918 йил феврал ойининг охирларида бошланган эди. Бу ҳаракатнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи дастлаб деҳконлар, чорикорлар, мардикорлар, ҳунармандлар ва косиблар бўлган. Сал ўтмай уларга ўзига тўқ бадавлат оиласарнинг вакиллари, савдогарлар, ислом дини арбоблари ҳамда баъзи бойлар қўшилди. Дастлабки миллий ҳарбий ҳаракатнинг ташкил топиши Кичик Эргаш (тахминан 1885-1918) ва Катта Эргаш (тахминан 1880-192 й) нинг номлари билан боғлиқдир

1918-йил март ойининг охирига келиб **Катта Эргашнинг** номи **Фарғона** водийси аҳолиси ўртасида жуда машҳур бўлиб кетди. **Марғилонда** эса милициянинг собиқ бошлиғи **Муҳаммад Аминбек Аҳмадбек ўғли-Мадаминбек** (1892-1920) кураш бошлади.

Фарғона водийсида 1918-йилнинг ўрталариға келиб, тахминан юзга яқин қўрбошилар ўз дасталари билан қизил армия қисмларига қарши кураш олиб бордилар. Бу гурухларда 15000 йигит бор эди.

Самарқанд вилоятида
Очилбек, Баҳромбек

Фарғона водийсида Кичик
Эргаш, Катта Эргаш,
Мадаминбек,
Шермуҳаммадбек,
Мубиддинбек, Ислом
Полвон, Ёрмат Махсум

Бухоро республикасида
Иброҳимбек, Мулла
Абдулқаҳҳор, Анвар Пошо,
Салим Пошо, Давлатманбек,
Фузайл Махдум,

Хоразм республикасида
Жунайидхон,
Мадраимбой, Шокир
бала, Мавлонбек ва
бошқалар, Мемед (ё
туркман)

1920 й. 3 майда Шермуҳаммадбек бошчилигига

**Туркистон-турк мустақил ислом жумҳурияти ёки
Туркистон мувакқат ҳукумати тузди. Шермуҳаммадбек
Фарғона водийсида Олий бош қўмондон қилиб сайланди.**

(Туркистон МИК раиси И.Хидиралиевнинг ёзишича, "1920 йил
сентябрда босмачиларнинг сони 70000 кишига етди ва кучли ваҳима
уйғотди").

**Куролли ҳаракатни ташкилий жиҳатдан уюштиришда
Фарғона водийси, Бухоро ва Хоразмдаги қўрбошиларнинг
мазкур даврда болиб ўтган ўттиздан ортиқ
курултойларининг аҳамияти катта бўлган.**

1919 йил ёзининг охири ва кузида Мадаминбек бошлигидаги истиқлолчилар сафига Жалолободда турган рус крестьянлари армиясининг қўшилиб, сентябрда **Мадаминбек лашкарлари** **Жалолобод** ва **Ўш шаҳарларини** сўнг **Эски Марғилонни** эгаллашди ва Андижонни қамал қилишга киришдилар. 1919-йил 22-октябрда Помирнинг Эргаштом овулидаги анжуманда **Мадаминбек бошлигигида** **Фарғона** мувакқат мухторият ҳукумати тузилди. Ҳукумат таркибига 16 туб аҳоли ва 8 европалик киритилди. **Мадаминбек ҳукумат бошлиғи** бўлиш билан бир қаторда **Фарғона** водийсидаги бу ҳаракатнинг **Олий бош қўмондони ҳам этиб сайианди.**

Иброҳимбек (1921й сентабр) Бухоро қўрбошиларининг қурултойида "Ислом лашкарбошиси" бўлди ва Бухорода Олий бош қўмондон қилиб сайланди. У қисқа муддат ичида Коратегин ва Дарвозни қизил аскарлардан озод қилди. Жойларда яна амирлик давридаги бошқарув усули жорий қилинди. 1921 -22 й.да Туркиялик **Анвар Пошшо** (1881-1922) Бухоро республикасидаги истиқлолчилик ҳаракатига бош бўлиб, Фарғона ва Самарқанд вилоятларидан тортиб то Хоразм ва Шарқий Бухорогача ҳудудда у бошлигидаги истиқлолчиларнинг умумий фронти тузилди. (1922 15.04) Бойсундаги қўрбошиларнинг қурултойида **Анвар Пошшо истиқлолчиларнинг Олий бош қўмондони ва сиёсий раҳбари** қилиб сайланди.

Мулла Абдулқаҳҳор раҳбарлигига Бухоро, Кармана ва Нуротада ўнлаб қўрбоши гуруҳлари фаолият кўрсатди. Ўрмон Полвон, Ҳайит Амин, Остон Қоровулбеги, Ҳамро Полвон, Азимхўжа, Метан Полвон унинг энг нуфузли қўрбошилар асосан Ғиждувон, Шофиркон, Вобкент, Ромитон туманлари ва Нуротада ўз фаолиятлартни кучайтирилар. Уларнинг катта армияси 1922 йил март ойининг бошида пойтахт Бухоро шаҳрига юриш қилди шаҳарнинг катта бир қисмини эгалладилар ва бир неча соат мобайнида ўз қўлларида тутиб турдилар. Аммо Ғарбий Бухордаги қўрбошилар гуруҳларига сезиларли зарба берилди. Мулла Абдулқаҳҳор қўрбоши Қизилқум чўлларида қизил аскарлар билан бўлган тўқнашувларнинг бирида 1924 йилнинг охирида ҳалок бўлди.

1923 йилда Жунайидхоннинг талаблари: 1) Россия қўшинларини Хоразмдан дарҳол олиб чиқиб кетиш; 2) шариатга тўла эркинлик бериш; 3) собиқ ҳокимлар ва оқсоколларни яна ўз лавозимларига тиклаш; 4) соликлар ва патентларни бекор қилишни қатъий талаб қилди. Бироқ бу талабларни совет ҳукумати рад қилди. Питнак, Ҳазорасп, Боғот, Хонқа туманларида янги совет ҳукуматига қарши дехқонларнинг оммавий қўзғолон қилиб Хива шаҳри устига юриш қилдилар. Қорақумда турган Жунайидхон қўшини ҳам шаҳарга қараб ҳаракат бошлади. **1924 йил 16 январда Хоразм республикасида ҳарбий ҳолат жорий қилинди.** Хоразм воҳасида истиқлолчилик ҳаракати айрим гуруҳлар томонидан 1935-йилгача давом этди. Ҳаракат Шарқий Бухоро ва Фарғона водийсида ҳам баъзи узилишлар билан юқорилаги давргача мавжуд бўлди.

4. Хива хонлигининг тугатилиши. Хоразм Халқ Совет Республикасининг тузилиши ва ундаги ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар.

Хива хонлиги: Хива, Урганч, Тошховуз, Ҳазорасп, Питнак. Ҳудуди Россия босқинидан кейин 62.236 кв.км бўлиб, у 20 та беклик ва 2 та ноибликтан иборат. Аҳоли 600 мингдан 900 минга қадар. Уларнинг 60 фоиздан кўпроғини ўзбеклар, 28 фоизини туркманлар, Қолганларини қозоқ, Қорақалпоқ, форс (эроний), араб, рус ва бошқа миллат вакиллари ташкил этган.

Ёш хиваликларнинг талаблари ва туркман уруғ сардорларининг Жунайидхон билан келишмай қолганлиги ни ҳисобга олган большевиклар Скалов раҳбарлигида 1919 йил 22 декабрда Хива хонлиги ҳудудига бостириб кирдилар. (1920 1.02) Жунайидхон қўшинларини тормор қилган қизил армия Хива шаҳрига кириб борди ва 2 февралда Хива хони Сайд Абдуллохон таҳтдан воз кечди

1920 (26-30. 04) Хива хонлиги ҳудудида Хоразм Халқ СР ташкил этилганлиги эълон қилинди ва Полвонниёз Ҳожи Юсупов раислигида Халқ Нозирлар Шўрои тузилди.

Аммо 1923-йил ёз-кузида Хоразм республикасида туб сиёсий тўнтариш амалга оширилди. 1923-йил октябрда ХССР Хоразм Совет Социалистик Республикаси (ХССР) га айлантирилди. ХССРнинг янги Конституцияси қабул қилинди.

Бухоро амирлигининг ағдарилиши. Бухоро Халқ Совет Республикасининг ташкил топиши ва ундаги сиёсий ўзгаришлар

Туркистон ХКС Бухорода амир Ҳукуматини ағдариш мақсадида Ёш бухоролик жадидларни Қўллаб-Кувватлашди.

Амир минглаб кишилар жадидликда айиблаб, ноҳақ ўлдирди. Бухоролик жадидларнинг тирик қолган вакиллари Самарқанд, Тошкент ва Москвага жўнаб кетишга мажбур бўлишиди

1920- 25 08 да М.В.Фрунзе Бухорони босиб олиш учун буйруқ берди ва-2 сентябрда Бухоро шаҳри босиб олиниб Сайид Олимхон Ҳокимиятдан ағдариб ташланди.

1920-йил 14-сентабрда бўлган Халқ Нозирлар Шўроси, Ревком ва Бухоро Компартияси МКнинг умумий ийғилишида 9 кишидан иборат Бутун Бухоро инқилобий Қўмитаси (раиси-Абдулқодир Муҳитдинов) ва республика ҳукумати - 11 кишидан иборат Халқ Нозирлар Шўроси (раиси-Файзулла Хўжаев) тузилди.

1920-й октябрда Бухоро Халқ Совет Республикаси (БХСР) тузилган бўлса 1924-й сентябрда у Бухоро Совет Социалистик Республикаси (БССР) га айлантирилди.